O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 18 апрель ШАНБА

№ 31 (12.146)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ ДОИРАСИДА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ўтказилаётган Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг биринчи босқичи давом этмоқда.**

"Ўзэкспомарказ"да очилган яна бир ярмаркада геология соҳаси, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё, металлургия саноати корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ярмарка стендларида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарлар, жумладан, экспорт қилинаётган маҳсулотлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш асосида ўзлаштириш учун истиқболли бўлган маҳсулотлар билан танишиш мумкин.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар бўлажак ҳамкорларига турли хил маҳсулотларни таклиф этмоқда. Масалан, "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси томонидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан ҳаво кемалари учун JetA-1 янги авиация ёқилғисини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Газ-турбинали двигателларга мўлжалланган ушбу ёқилғини ишлаб чиқаришга тайёрлик тўғрисида авиаташишлар бўйича халқаро инспекциянинг (IATA) хулосаси олинди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам ушбу ёқилғини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Авиаёқилғининг халқаро таснифга мувофиқлиги хорижда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларини ёқилғи билан таъминлаш имконини беради.

"Энерготаъмир" очиқ акциядорлик жамияти – ихтисослашган таъмирлаш корхонаси бажариладиган ишларнинг юқори сифатини кафолатлайди. У нафақат "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бўлинмалари, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам иссиқлик, электр техник ва гидромеханик ускуналарни таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатишда етакчи ўринни эгаллайди. Корхона электр ускуналарини синовдан ўтказиб, ҳар қандай турдаги мойни сертификатга мувофиқ таҳлил қилади. Ушбу корхона "Ўзбекэнерго" компанияси тизимида биринчи бўлиб ISO 9001:2000 менежмент сифати тизимини жорий қилди ва тегишли халқаро сертификатга эга бўлди.

"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ярмаркада ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини кучайтиришга оид ўз имкониятларини намойиш этмоқда.

Мамлакатимизда кимё саноатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежайдиган ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган "2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда дастуриламал ҳисобланади.

Ярмаркада "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси вакиллари ҳамкорларга мамлакатимиз кимё корхоналари катта салоҳиятга эгалиги тўғрисида кўпроқ ахборот тақдим этишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, республикамиздаги йирик кимё корхоналаридан бири – "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти 30 дан ортиқ маҳсулот, асосан турли хил минерал ўғитлар, кимё материаллари, елим ишлаб чиқаради. Ҳозир корхонада иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари эҳтиёж сезаётган янги материалларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Саноат ярмаркаси иштирокчилари ва унга ташриф буюрганлар корхоналарнинг тақдимот маросимларида қатнашиши, уларнинг техник ва технологик имкониятлари, ютуқлари билан танишиши, тажриба алмашиши мумкин. Улар ахборот ва тақдимот алмашинуви асосида янги турдаги товарларни ўзлаштириш учун кооперация алоқаларини кенгайтиради, ишлаб чиқаришга зарур бўлган хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи ҳамда тайёр буюмлар етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузади.

Ярмаркага келган турли саноат тармоқлари вакилларининг фикрига кўра, бу ерда намойиш этилаётган экспозициялар келгусидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик нуқтаи назаридан уларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Бугуннинг гапи*





## ВИЛОЯТИМИЗ ГУЛЛАРГА БУРКАНМОҚДА

**Бу йил бутун вилоятимиз бўйлаб кўкламги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари алоҳида уюшқоқлик ва кўтаринки руҳ билан давом этмоқда. Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар ҳар қачонгидан барвақт бошланганини, бу ишдан ҳеч ким четда турмаётганини, энг муҳими, мутасадди идора вакилларидан тортиб, оддий уй бекаларигача саранжом-саришталик, ободлик нафақат чор-атрофга файз-таровaт улашувчи, балки, кўрган кўзни қувонтириб, кўнгилларга олам-олам завқ бағишловчи фазилат эканлигини янада теранроқ англаб етишаётгани самараси ўлароқ бугун кўз ўнгимизда шаҳар ва қишлоқларимиз, катта-кичик йўллар, гузар ва хиёбонларимиз ўзгача чирой очмоқда.**

Пойтахтдан чиқиб, Қибрай, у ёғи Чирчиқ, Ғазалкент шаҳарларига элтувчи асосий йўлдан эътибор билан одимласангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Қибрайга етгунча, айниқса, сўлим Дўрмон қишлоғи марказида одамлар гурас-гурас бўлиб ободонлаштириш ишлари билан машғул эканликларини кўриб қувонасиз. Сизнинг ҳам ғайратингиз, гўзалликка иштиёқингиз жўшади. Шу ҳудуддаги муҳташам бинолардан бири, бир вақтлар собиқ хўжаликнинг маданият саройи сифатида бунёд этилган йирик маънавият муассасаси кейинги йилларда эгасиз, қаровсиз ҳолда, нураб ётганди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси ва бевосита қўллаб-қувватлаши билан бу бино ҳозир тамоман янги қиёфа касб этаяпти, атрофи ободонлашиб, боғ-роғ, гулзорга бурканаяпти. Шундоққина йўл ёқасида бўлган маданият саройидаги мукаммал таъмирлаш ишлари ниҳоялангач, у ҳудуднинг кўрки бўлиши билан бирга, ёшларнинг, маданият ва санъат ихлосмандларининг севимли масканларига айланиши шубҳасиз. Унинг ёнгинасида иш бошлаган туман ФҲДЁ бўлими ҳам обод масканлардан бирига айланиб бораяпти.

– Вилоятимиз бўйлаб қанот ёзган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари туманимизда ҳам катта хайрихоҳлик билан олиб борилаяпти, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Хожаева. – Махсус чора-тадбирлар дастури асосида белгиланган вазифаларни бекаму кўст адо этишда хотин-қизларимиз алоҳида фаоллик кўрсатишмоқда. Айниқса, маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари билан ҳамкорликда февраль ойидан бошлаб ҳар бир хонадонда тушунтириш ишлари олиб борганимиз, эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар кўмак кўрсатишаётгани қўл келди. Туманимиз кундан кун мафтункор қиёфа касб этиб бораяпти.

Дарҳақиқат, бу ишлар туманнинг Салор шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек, Гулистон, Алишеробод, Чингелди, Мой каби ўнлаб маҳаллаларида ўзгача уюшқоқлик билан давом этаяпти. Мавжуд 74 та маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўз ҳудудларида, йўл ёқаларида анвойи гуллардан иборат гулзорлар ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бу ишларга маҳаллалардаги барча хафсалали ва саховатпеша инсонларни жалб этаётирлар. Умуман, бу йил туманда 20 минг тупдан зиёд анвойи гуллар ўтқазилди. Биргина Тошкент-Белоножка-Чирчиқ трассаси ёқасига 7500 дона шафран, 5500 дона петуня, 2800 туп календула каби ноёб, кўркам гул кўчатлари экилди. Қарийб 15 километрлик ариқ-зовур тозаланди, йўлнинг бурилиш ҳудудлари кенгайтирилиб, таъмирланди. 150 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар олиб ташланди.

**СУРАТЛАРДА:** Дўрмон қишлоғи марказида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари акс этган.

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 15 апрель.

## ҒОЛИБЛАРГА СОВҒА НАҚД

**Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабида умумтаълим мактаблари, лицей, гимназия ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар – 2009" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, мудофаа ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Нуроний" жамғармаси, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақадан мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни республика Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш ва ҳарбий билим юртларига киришларига кўмаклашишга қаратилган.

Вилоят босқичида шаҳар ва туманларнинг 21 та жамоаси иштирок этди. Улар ўндан зиёд шарт бўйича ўзаро баҳс юритишди. Шартларни маромига етказиб бажарган жамоа республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалар топширилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*9 май – Хотира ва қадрлаш куни*

## ГУРУНГ

### ЖАҲАННАМДАН ҚУТУЛИШ

Атоқли таржимон, сеҳрли тил соҳиби, Ўзбекистон санъат арбоби Қодир Мирмуҳамедов билан у кишининг Қибрайдаги кенг, файзли ҳовлисида гурунглашиб ўтирибмиз. Баҳор авжида. Дов-дарахтлар чаппар уриб гуллаган. Қодир ака оппоқ митти маржондек чечакларга узоқ тикилиб қолди. Сўнг хўрсиниб деди:

– Бир нарса иккинчи нарсани эсингга солади. 1945 йилнинг 30 апрели, Германиядаги Малвхинда худди шундай олчалар гул очган эди. Биз асирликдан озод бўлдик. Лекин "асирга тушган" деган тамғадан кўп йилгача халос бўлолмадим...

Ўшанда икки ҳафталик тенгсиз олишувдан кейин, Полтава яқинида эндигина жангга кирган Қодирнинг дивизияси бутунлай мағлуб бўлди. Немислар тирик қолган аскарларни асир олиб, ғарбга ҳайдадилар.

1941 йил, сентябрь охирида пиёда йўл босиб, Украинанинг Житомир шаҳрига етиб келишди. Бу ерда асирларни ишга тақсимладилар. Қодирнинг чекига отбоқарлик тушди. Шу тариқа куз оёқлади, кунлар совиди, баъзи ерларга қор тушди. Отхона уч томондан тиканли симлар билан ўралган, тўртинчи тарафи чуқур жарлик. Ҳовлининг ўртасида, баланд минорада автомат ушлаган қўриқчи сал четга чиқмоқчи бўлсанг, отиб ташлайди. Нима қилиш керак?

Ёмон кун ортида яхшиси ҳам бор, деганларидек, бир куни Қодирнинг қорни оғриб қолди. У жарлик томонга қараб югурди. Қўрқа-писа минора тарафга боқди. Бахтига қўриқчи тескари қараб турган экан. Қодир жар ёқасида чўнқайиб, бир лаҳза ўтирди-ю, таваккал деб ўзини пастга отди. Қорга кўмилиб, думалади. Фашист ҳамон бетини тескари буриб турарди. Қодир жарликдан омон-эсон чиқиб олди-ю, ўзини ўрмонга урди. Қодир жаҳаннамдан қутулган эди.

У нафасини ростлаб, анча ўтирди. Ёнгинасида эркак кишининг йўталганини эшитиб, ирғиб турди. Шу ерлик мужиклардан бири ҳўкиз аравасини ҳайдаб келаётган экан. Қодирга ўхшаган қочоқларни кўравериб кўзи пишган шекилли, дарров йўл кўрсатди:

– Темир йўлга яқинлашма, немисларга дуч келишинг мумкин. Ўрмон ичи билан тўғрига юрсанг, қишлоққа чиқасан. У ёғига худо пошшо. Бирор уйдан бошпана топарсан, болам.

Қодир тағин бирор чақиримча йўл юриб, чол айтган қишлоқ устидан чиқди. Бир уйнинг мўрконидан кўкка тутун ўрмаларди. Таваккал, деб шу уйни кўзлаб борди-ю, ғарибона эшикни тақиллатди. Хонадон соҳиблари уни оғринмай қаршиладилар.

(Давоми 4-бетда).

**Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида бўлиб ўтган "Авлодлар мероси – келажак пойдевори" республика кўрик-танловида Ангрен шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби билимдонлари жамоаси "Энг яхши лапар ижрочиси" йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади.**

## АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

– Ёшларни ватанга муҳаббат, миллий урф-одат ва анъаналарни қадрлаш ва эртанги кунга ишонч руҳида тарбиялашда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта, – дейди мактаб директори Шаҳодат Мусаева. – Ўқувчиларимизнинг таълим, спорт ва бошқа соҳалардаги ютуқларини рағбатлантиришда ҳамкор ва ҳомий ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси бор.

**Мунира ИСАЕВА.**

## ХАВФСИЗ ҲАРАКАТ – БОШ МАҚСАД

**Шу йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар юртимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилди. Унга нафақат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари, балки кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам бирдай масъулият билан ёндашди.**

Вилоят "Автомотоҳаваскорлар" кўнгилли жамияти, халқ таълими бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, ички ишлар идоралари ходимларидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларида фаол қатнашишди. Автокорхона ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилиб, ҳайдовчилар, пиёдалар ўртасида йўл ҳаракати интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган вазифалар юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

Мактаб ўқувчиларининг "Йўл ҳаракати қоидалари" бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш ва ҳаракатланиш хавфсизлиги кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида Олмалиқ шаҳрида, Оққўрғон ва Бўка туманларида барпо этилган болалар автомайдончаларида турли қизиқарли мусобақалар ташкил этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ойлик давомида йўл ҳаракати қатнашчилари, айниқса, пиёдалар устидан назорат янада кучайтирилди. Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан икки минг нафардан зиёд пиёда йўл қўйган қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қанча йўллар кўрикдан ўтказилиб, пиёдалар йўлкалари таъмирланди.

"Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" давомида аҳоли гавжум жойларда, шоҳ бекатларда, бозорлар олдида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари, автокорхоналарнинг хавфсизлик муҳандислари ва ҳайдовчилар тайёрловчи ўқув муассасалари тингловчилари ҳамкорлигида бахтсиз тўқнашувларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**




*«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

## «ФАРОВОНЛИК ОБОДЛИКДАН БОШЛАНАДИ»

**Газетанинг шу йил 11 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Ўртачирчиқ тумани, хусусан, Тўйтепа шаҳрида ободонлаштириш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш борасидаги камчиликлар танқид қилинган эди. Газетанинг мазкур чиқишига туман прокурори, адлия маслаҳатчиси А. Эшмуродов имзоси билан жавоб хати олинди.**

"Мақолада келтирилган ҳолатлар юзасидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда текшириш ўтказилди, – дейилади унда. – Ҳақиқатдан ҳам тумандаги О. Шарофиддинов номли маҳаллада санитария-гигиена талаблари бузилаётганлиги, "Аброрбек коммунал сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати чиқиндиларни тўплаш ва белгиланган жойларга чиқариб ташлаш билан шуғулланмаётганлиги аниқланди. Шунингдек, ўтган йили ва бу йилнинг дастлабки чорагида ширкат раҳбарлари коммунал тўловлар бўйича тушган нақд пул маблағидан 4 миллион 717 минг 377 сўмни банкдаги ҳисоб рақамига туширмасдан, ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорисиз турли мақсадларга ишлатиб юборганликлари ҳам маълум бўлди.

Бу ҳолат юзасидан ширкат раиси Ў. Мақуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда".

# 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

**Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ерости ва ерусти бойликлари, унумдор тупроғи, машҳур ишлаб чиқариш корхоналари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқи бор экан, айрим соҳаларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳам сўзсиз бартараф этилишига ишонч билдирган эдилар.**

## ЗИММАМИЗДА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ БОР

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг вилоятимиз учун алоҳида аҳамиятли эканлиги, пойтахт вилояти сифатида Ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги дастурларни амалга оширишда бошқаларга ўрнак, ибрат бўла олишини таъкидлаб ўтганлари ҳам бежиз эмас. Бу ишонч бутун вилоятимиз аҳли қатори оҳангаронликлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Оҳангарон – вилоятнинг тоғли туманларидан ҳисобланади. Аҳоли асосан, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Республика Президентининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг ушбу қонуний ҳужжат ижросини таъминлашга оид қарорига асосан туманимизнинг 7 бўлим, 53 банддан иборат истиқболли дастури ишлаб чиқилди. Унда қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш учун 17 миллиард 63 миллион 200 минг сўм маблағ сарфлаш назарда тутилган. Қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани изчил ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб, фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш каби чора-тадбирларни ўзида акс эттирган дастур асосан ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Маълумки, ҳосилдорлик аввало, ернинг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу тадбирлар учун 350 миллион сўм маблағ ажратилган. Келгусида бу ҳаракатлар натижасида 45 миллиард 155,6 миллион сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ўсиш суръати йил охирига бориб 103 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда, айниқса, чорвачилик, паррандачилик соҳаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Республика ҳукуматининг аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозор инфратузилмасини тартибга келтириш борасидаги кўрсатмалари асосида зарур тадбирлар белгиланган. Дастур доирасида бу йил 2 та балиқчилик, 2 та паррандачилик ва 4 та асаларичилик фермер хўжаликлари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда бу ишлар 40 фоизга адо этилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга оид режаларимизга кўра, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини мукаммал бажариш, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш назарда тутилган. Дўстлик қишлоғидаги 585 ўринли педагогика ва иқтисодиёт коллежи, Сусам қишлоғидаги 615 ўринли агросаноат ва зооветеринария коллежи ва Бирлик қишлоғидаги 490 ўринли янги мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топшириш, тоғли ҳудудлардаги 7 та мактабни тубдан ва 2 та мактабни капитал таъмирлаш ишларига 2 миллиард 426 миллион сўм маблағ сарфланади.

Шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, энг чекка қишлоқларни ҳам тиббий хизмат воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган. "Саломатлик – 2" ҳамда "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳалари асосида тумандаги 20 та қишлоқ врачлик пунктини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тоғли чекка қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида тез тиббий ёрдам автоуловлари ажратиш режалаштирилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик масаласи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳал этилиши яхши маълум. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Озодлик, Қурама ва Телов қишлоқларида янги маҳалла гузарлари ишга туширилади. Уларда 3372 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг дастлабки чорагида дастур доирасида бажарилган ишлар натижаси йилнинг муваффақиятли якунланишига ишонч уйғотмоқда. Жумладан, 2 та мактабгача таълим муассасаси ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқарилди. Ўтган йили бошланган 4700 метр ички газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. 3 миллиард 613 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 908 миллион 300 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 944 миллион сўм пуллик ва 63,2 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳаракат дастурида белгиланган барча чора-тадбирлар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган.

**Абдусамад АКРОМОВ,**
**туман ҳокими.**



Уват қишлоғи аҳолиси фермер Суннат Носировга ажратиб берилган 17,5 гектар тошлоқ ерда иссиқхона ташкил этиш мумкинлигига ишонмаган эди. Аммо фермер айтганини қиладиганлардан экан. Тўрт кишини ёнига олиб, бир гектар ерни тошлардан тозалади. Соз тупроқ келтириб тўкди. Ҳаш-паш дегунча, иссиқхонани қуриб, ишга туширди.

**СУРАТДА:** фермер Суннат Носиров иш юритувчи Садриддин Абзалов билан янги ҳосилни чамалаяпти.

*Деҳқончилик*

## МАҲАЛЛИЙ МУЛКДОРЛАРГА ТАЯНАМИЗ

**Оҳангарон тумани ўзининг табиий ер ва иқлим шароитига мутаносиб ҳолда асосан ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Туманнинг бундан буёнги иқтисодий тараққиёти, аҳолининг турмуш фаровонлиги ушбу тармоқларнинг қай тариқа ривожланиб боришига бевосита боғлиқ, дейиш мумкин. Табиийки, асосий эътибор ялпи маҳсулотни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим.**

Бунга тумандаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришиш энг мақбул йўл десак хато бўлмас. Ҳосилдорликни эса, билимли, тажрибали, шунингдек, изланиш ва интилишдан эринмайдиган ер эгалари, яъни қишлоқ мулкдорлари оширишлари табиий ҳол, албатта.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда ана шу мулоҳазалар ҳисобга олинди. Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш тизимларини такомиллаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, чорвачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифалар дастурда ўз аксини топган.

Аввало, илгариги 1289 та фермер хўжаликлари негизида қайта ташкил этилган, яъни йириклаштирилган 596 та хўжаликнинг имкониятлари эътиборга олинди. Уларнинг 347 нафари ғалла ва сабзавот етиштириш билан шуғулланади. 144 та хўжалик боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Мулкдорлар тасарруфидаги 31 минг гектар ҳайдаладиган ернинг 19,5 гектари сувли, 11,5 гектари лалми. 1286 гектар боғ, 360 гектар токзор бор.

Бу йил 21 минг 360 гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экиш режалаштирилган. Шундан 12 минг гектарига буғдой экилган бўлиб, унинг 2600 гектари лалми. Сувли майдонларнинг ҳар гектарига 108 килограммдан фосфорли ўғит берилди. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари дала бошларига 20 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқариб, шарбат усулини қўллаш мақсадида 1800 тадан зиёд хандақлар қазилди. "Оҳангарондон" очиқ акциядорлик жамияти 22 минг тонна бошоқли дон учун контрактация шартномалари тузиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан рўйхатдан ўтказди.

Ҳосилга кирган мевали боғлар 622 гектар. Бу йил ўртача ҳосилдорликни 83 центнерга, ялпи маҳсулотни эса, 5182 тоннага етказиш режалаштирилган. Етиштирилган меванинг 3636 тоннасини қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш, 711 тоннасини экспортга жўнатиш, 808 тоннасини ёз ва куз ойларида ташкил этиладиган ярмарка савдоларига чиқариш мўлжалланган. Қолгани соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ҳамда ички истеъмол учун сотилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, токзорлар ҳосилдорлигини 107 центнерга, ялпи узум ҳосилини 1285 тоннага етказиш имконияти бор. Шу маҳсулотнинг 712 тоннасини қайта ишлаш корхоналарига сотиш, 264 тоннасини экспортга чиқариш назарда тутилмоқда.

Сабзавот учун 1578 гектар, полиз экинлари учун 614 гектар ер ажратилади. Ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 45 минг 600 тоннадан зиёд сабзавот, камида 18 минг 420 тонна полиз маҳсулотлари тайёрланади. Бундан ташқари, 243 гектар ерга картошка экилиб, 6000 тоннадан зиёд ҳосил олинади. Шунингдек, 380 гектар майдонга такрорий сабзавот экинлари экиш мўлжалланмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг асосий қисмини деҳқон хўжаликлари етиштириб боради.

**Равшан БЕГИМҚУЛОВ,**
**қишлоқ ва сув хўжалиги ҳосилоти.**

## ОБОД УЙИМ – РАВШАН ДИЛИМ

**"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётган шу кунлардаги ҳар бир саъй-ҳаракатимиз кўлами кенг, моҳияти беқиёс.**

Бирлик қишлоғи "Бўстон" маҳалласидаги 42-умумтаълим мактабига давлатимиз томонидан 570 миллион сўм ажратилган. 490 ўринга мўлжалланган бу мактаб қурилиши шу йилнинг июль ойида тугалланади. 52 киши меҳнат қилаётган мактаб қурилишига "Оҳангарон РСУ-3 Шоҳруҳ Файз" МЧЖ бунёдкорлари бош-қош бўлмоқда. Қишлоқ болалари энди барча қулайликлар, замонавий ўқув қуроллари, ахборот-коммуникация тармоқлари, футбол, баскетбол майдонлари бўлган билим масканида таълим-тарбия олади.

Шунингдек, туманимизнинг Шовғаз, Сусам, Серкақирилди, Эртош, Қайирма, Убайд қишлоқларидаги 16-, 23-, 24-, 36-, 50-, 51-умумтаълим мактаблари тубдан қайта қурилмоқда. Дўстлик қишлоғидаги 585 ўринли педагогика ва иқтисодиёт коллежи, Сусам қишлоғидаги 615 ўринли агросаноат ва зооветеринария коллежи ҳам талабаларни бу йил бутунлай янги қиёфада кутиб олади. Бу ерда шу кунгача 30 фоиз иш бажарилди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларида ҳомий ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар ёрдами билан Озодлик, Эйвалек ҳамда Сусам қишлоқларидаги иккита болалар боғчаси жорий таъмирдан чиқарилди. Аҳоли яшайдиган уй-жойлар ва хонадонларни таъмирлашга қишлоқ фуқаролари йиғинлари, маҳалла фаоллари бош қўшмоқда.

Айниқса, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳамжиҳатликда, тез фурсатда амалга оширилаётганлиги кишини қувонтиради. Туман ҳокимининг қарори билан бешта ҳудуд бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Улар ўз ҳудудларида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларига ёрдам беришмоқда. Шу кунгача 12 мингта манзарали, 23 мингта мевали дарахт, 5 мингта арча, 28 мингта терак кўчатлари экилди.

Оҳангарон воҳасининг ўзига хос томонларидан яна бири халқаро аҳамиятга эга бўлган "Тошкент – Ўш" автомагистралининг туман ҳудудидан ўтганлигидир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили тадбирларига кўра, автомагистраль бўйларидаги барча иншоотлар, уй-жой, корхона, хусусий тадбиркорлик объектларини таъмирлаш, йўл ёқаларини кўкаламзорлаштириш назоратга олиниб, масъул шахслар бириктирилди. Йил охиригача давом этадиган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида аҳолининг фаол иштирок этишини таъминлашга барча мутасадди ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**Абдуҳаким ЮЛДАШЕВ,**
**туман ҳокимлиги ободонлаштириш ва қурилиш, коммуникация ишлари бўлими мутахассиси.**

## Оҳангарон тумани:
# ҲАЁТ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ – ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туман бўйича:**

- 11 миллиард 934 миллион 600 минг сўмлик саноат маҳсулотлари, 3 миллиард 632 миллион 400 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.
- 45 миллиард 115 миллион 600 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади.
- 3372 та янги иш ўринлари яратилади.
- Иккита янги коллеж, битта янги мактаб қуриб, ишга туширилади.
- Иккита паррандачилик, тўртта асаларичилик, иккита балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил этилади.
- 11 километр газ, 5 километр ичимлик сув қувурлари тортилади.

"Тараққиёт" фермер хўжалиги изчил шаклланаётир. Асосан ғалла етиштириш билан бирга сабзавот ва мойли экин – кунгабоқар ҳам экади. Даромади ҳам шунга яраша. Йилига 40 миллион сўм атрофида соф фойда оляпти.

– "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўшиш асосий ниятимиз, – дейди фермер Абдуқодир Нодиров. – Деҳқончилик маҳсулотларидан ташқари гўшт ва сут етиштириш мақсадида чорвачиликка ҳам қўл ураяпмиз. Эски бинони сотиб олиб, уни мол боқиш учун мослаштиришга киришдик.



**СУРАТДА:** Абдуқодир Носиров ғалланинг ривожидан мамнун.



Туман саноати деганда дарҳол тилга олинадиган Эйвалек махсус темир-бетон буюмлари корхонаси сўнгги йилларда фаолиятини яна жонлантира бошлади. Ҳозир корхона қурилишлар учун зарур темир-бетон қувур ва плиталар, темир йўл учун темир-бетон шпаллар ишлаб чиқармоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурига мувофиқ корхона жамоаси йилнинг дастлабки чорагидаёқ режадаги 4839 куб метр ўрнига 5369,7 куб метр йиғма темир-бетон, 42 минг 500 ўрнига 48 минг 565 дона шпал ишлаб чиқарди. Шунингдек, аҳолига 5 миллион сўм ўрнига қарийб 13 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

**СУРАТДА:** корхона ишчиси Йўлдош Эрматов ҳамда техник назорат бўлими ходими Махсума Эргашева навбатдаги маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш чора-тадбирлари кўлами кенгаймоқда. Ҳозирги кунда қишлоқларда ташкил этилган врачлик пунктлари 21 тага етди. Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ҚВПларнинг фаолияти мунтазам ўрганилиб, амалий-услубий ёрдам кўрсатиб борилади.



**СУРАТДА:** Бирлик қишлоқ врачлик пункти шифокорлари Мўътабар Асқарова, Жаҳонгир Алимов, Зебо Маматқулова ўзаро мулоқот пайтида.

*Чорвачилик*

## ШАРОИТ ЕТАРЛИ, ИМКОНИЯТ КАТТА

**Туман қорамолчилик ва қўйчиликни, паррандачилик ва балиқчиликни кенг кўламда ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва қулай имкониятларга эга. Бу ҳол ўз салоҳиятини шу тармоқларда синаб кўришни ихтиёр этган кўплаб тадбиркорларни ҳеч иккиланмай, дадил енг шимаришга ундаяпти. Жойларда чорва озуқаси билан савдо қилувчи шохобчалар ташкил этилаётгани муносабати билан аҳолининг мол боқиш имкониятлари кенгаймоқда. Шу туфайли хонадонларда ҳам қорамол ва қўй-эчкилар кўпайиб бораяпти.**

Ҳозир туманда 38 мингдан зиёд қорамол, 124 минг 300 бошдан ортиқ қўй-эчки боқилмоқда. Бу чорва моллари аввалгига нисбатан 4,5-6 фоиз кўпайганлигини кўрсатади. Шунингдек, туманда от туёғи 2742 тага, парранда 228 мингтага етди. Чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам шунга мутаносиб ҳолда йил сайин кўпаяпти. Чунончи, ўтган йили 7421 тонна гўшт, 26 минг 327 тонна сут, 8 миллион 264 минг дона тухум етиштирилди.

Тармоқдаги ўсиш суръатлари ҳақида аниқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш учун шу соҳага ихтисослашаётган фермер хўжаликлари фаолиятига назар ташлаш лозим. Аввало, чорвачилик билан шуғулланиб келган 133 та фермер хўжалиги йириклаштирилиб, улар негизида 49 та хўжалик ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Улар 2008 йилда 184 тонна гўшт, 349 тонна сут етиштирган эди. 2009 йилнинг биринчи чорагида эса, 87 тонна гўшт, 93 тонна сут етказиб берилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, йил охирига бориб, гўшт қарийб икки баравар, сут бир неча ўн фоизга кўпаяди.

Бундай ўсишга, аввало, сермаҳсул ва зотдор молларни кўпайтириш ҳисобига эришилмоқда. Хусусан, чет эллардан 200 бош наслли мол олиб келиш режалаштирилган эди. Амалда эса, Германиядан 233 бош зотдор қорамол келтирилди. Эндиликда уларни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаб, моллар зотини имкон қадар яхшилаб олиш чоралари кўрилаяпти.

Ҳозир тумандаги барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида озуқа шохобчалари ишлаб турибди. Улар фаолиятини назорат қиладиган бирлашма ташкил этилиб, шу кунгача фермер ва аҳолига 1163 тонна шрот, 805 тонна чигит шелухаси сотилди.

Фаровонликка хизмат қилувчи яна бир тармоқ – паррандачилик ҳам жадал ривожланиш йўлига кирди. Ўтган йили ташкил этилиб, ер майдони ажратиб берилган иккита паррандачилик фермер хўжалиги тўла қувват билан ишлай бошлади. Жумладан, Озодлик қишлоғидаги "Барака парранда" фермер хўжалигининг 40 гектар ери бор. 27 мингта парранда боқилаяпти. Ҳозир йилига 1,5 миллион дона тухум етиштириш имкониятига эга.

Қорахитой қишлоғидаги "Акром Аббос ўғли" фермер хўжалиги ҳам фаолиятини кенгайтираяпти. Ҳозир товуқлари 12 мингтага етди. Бу йил ташкил этилган "Хожиакбар" паррандачилик хўжалиги 10 мингта товуқ парваришлаяпти. Хўжаликка 10 гектар ер ажратиб берилган.

Ўтган йилдан бошлаб туманда балиқчиликни ривожлантиришга жиддий киришилди. 16 гектар ерда янги "Оҳан – Пўлат диёри" балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Сув ҳавзаси 5 гектар майдонни эгаллаган. Ҳозир 4 та ҳовузда хумбош (толстолобик) балиғи боқилмоқда. Бу йил ташкил этилган "Мафтунабону" балиқчилик хўжалиги ҳам 16 гектар майдонга эга. Тўртта ҳовузга балиқ увилдириқлари ташланиб, парвариши бошлаб юборилди.

**Акромхон МУНАВВАРОВ,**
**«Хожиакбар» фермер хўжалиги раиси.**

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Сайёра Рихсиева ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.**

